



АҲОЛИНИ УЙ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ Кўлами янада кенгайди

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 5 апрель куни янги уй-жойлар қурилиши ва 2023 йилги ипотека дастури бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Сўнги олти йилда мамлакатимиз аҳолиси 5 миллион 500 минг нафарга ўсиб, 36 миллиондан ошди. Уларга муносиб турмуш шароитлари яратиш мақсадида турар жойлар қурилмоқда.

Хусусан, 2017 йилдан бошлаб, 326 мингта янги уйлар фойдаланишга топширилган. Бу даврда уй-жой билан таъминлаш аҳоли жон бошига 18 фоизга ошган.

Бунинг учун сўнги уч йилда банклар 210 минг оилга 33 триллион сўмлик ипотека кредитлари ажратган. Эҳтиёжманд 73 минг оилга бошланғич бадал ва фоиз тўловлари учун 1,3 триллион сўм субсидия берилган.

Соҳага бозор тамойиллари жорий қилинган натижасида юзлаб хусусий буюртмачи компаниялар шаклланди. Йиғма темир-бетонли кўп қаватли уйлар курувчи 11 та йирик кластер пайдо бўлди. Тадбиркорларга шароит яратилгани туфайли цемент, газоблок, кафель, керамогранит ишлаб чиқариш кўпайиб, уларнинг нархи анча арзонлашди.

Бу ишлар изчил давом эттирилиб, ўтган йили 60 минг хонадонли кўп қаватли уйлар барпо этилди. 31 та хулулда “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш дастури бошланди.

Йиғилишда, аввало, ушбу дастур ижроси таъжибий муҳокама қилинди. Андижон ва Хоразмда ер тўри танлангани, инфратузилма яратилгани натижасида қурилиш жадал кетаётгани, лекин қолган вилоятларда бу ишлар кечикаётгани кўрсатиб ўтилди. Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Фарғона ва Тошкент вилояти ҳокимларининг қурилиш бўйича ўринбосарларига нисбатан интизомий чора кўрилди. Мутасаддиларга инфратузилма, қурилиш ва сотув билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишга оид топшириқлар берилди.

Умуман, жорий йилда уй-жой қуриш ҳажмини 1,5 баравар ошириб, 90 мингга етказиш режалаштирилган. Давлатимиз раҳбари бу ишлар ҳар бир вилоят иқтисодий кўрсаткичлари ўсишига катта туртки беришини таъкидлади. Шу боис, аҳоли ва қурувчилар учун 4 та йўналишда янги енгиллик ва имкониятлар белгиланди.

Биринчидан, кўпроқ аҳолини қамраб олиш мақсадида расмий даромади етарли бўлмаган аҳолига ҳам ипотека кредити олиш имкони яратилади. Уларнинг тўлов қобилиятини аниқлашда банк

картасидаги айланма, ижара, коммунал ва бошқа харажатларга тўланган пуллари ҳам ҳисобга олинади.

Дастлабки бадални кўпроқ тўлаган фуқаролар банкдан арзонроқ кредит олиш имкониятига эга бўлади. Субсидия ажратилган маблағларни тезроқ ишлатиш учун субсидия хабарномасининг амал қилиш муддати 12 ойдан 4 ойга туширилади. Шу билан бирга, бу оилар давомда сертификатдан фойдаланмаган фуқароларга субсидия олиш учун яна қайта мурожаат қилиш ҳуқуқи берилади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлигига ипотека кредити учун маблағ ҳамда субсидия ажратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлашга қаратилган яна бир лойиҳа — “Менинг биринчи уйим” дастури. Бунинг учун Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузурида махсус уй-жой компанияси ташкил этилади. Тошкент вилояти Зангиота туманидан 36 гектар ер ажратилиб, 58 та кўп қаватли уй, ижтимоий муассасалар, кўнгилочар масканлар қурилади. Бунда тадбиркорларга савдо ва тижорат майдонларини бозор нархида сотиш орқали уй-жойлар нархини арзонлаштиришга эришилади.

Мутасаддиларга ушбу шаҳарчининг мастер режасини яқунлаб, эксперт ва жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш вазифаси қўйилди.

Иккинчидан, қурилиш таннархини пасайтириш учун ёғоч, фанера, ёғочли опалубка ва ойнани импорт қилишда 2025 йилга қадар божхона божи бекор қилинади. Юқори маркали цемент бўйича божхона божи имтиёзи яна 1 йилга узайтирилади. Бунинг ҳисобига уй-жой қуриш таннархи 5 фоизгача пасаяди.

Пудратчи ташкилотларга қурилаётган уйни қаватма-қават гаровга қўйиш ва ҳар бир қавати учун кредит олиш ҳуқуқи ҳамда қурувчи компанияларга ҳар бир кўп қаватли уй учун компенсация ва кафилик берилади.

Банклар берадиган кредитларни давлат томонидан қайта молиялаш амалиёти давом эттирилади.

Учинчидан, кўпроқ аҳолининг ўз вақтида фойдаланишга топширилиши ва харидорлигида истиқомат қилаётган кўпчилик аҳоли сузлашадиган тилларда овоз бериш бюллетенларини тайёрлаш бўйича эҳтиёжни инобатга олган ҳолда чоп этилади.

маблағ ажратиш, вилоят ҳокимларига янги массивларда ички йўлларни қуриш бўйича кўрсатмалар берилди.

Эски уйлар кўп бўлган шаҳарларда реновация дастурига талаб ортапти. Давлатимиз раҳбари бунинг ҳуқуқий пойдевори бўлиши кераклигини таъкидлаб, “Реновация тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишни тақдир этди.

Яна бир масала — бугунги кунда кўп жойларда қурилишлар уларнинг инфратузилмаси қуввати мутаносиб эмас. Мисол учун, Тошкент шаҳрининг аҳолиси ҳар йили 100 мингга кўпаймоқда, йилга қўшимча 20 минг хонадонга эҳтиёж бор. Шаҳар оқова сув тозалаш иншоотлари қувватидан анча ортқ юклама билан ишлаяпти.

Шунинг учун энди сув, оқова, электр, газ, йўл инфратузилмасини яхшилашга инвестор-девелоперлар ҳам жалб қилиниши мумкинлиги айтилди.

Тўртинчидан, бу йил 90 мингта уй-жой режаси қурилиш материаллари қорхоналари учун катта бозор. Лекин темир-бетон ишлаб чиқарувчи 3 мингга яқин қорхонанинг ярмида лаборатория йўқлиги қайд этилди.

Президентимиз бу маҳсулотлар уйлар сифатига таъсир қилувчи асосий омил эканини таъкидлаб, барча шундай қорхоналарда замонавий лабораториялар ташкил қилиш талабини қўйди.

Сўнги ойларида дунёда ҳам, минтақамизда ҳам сейсмик фаоллик кузатиляпти. Шу боис, 1 майдан бошлаб, қурилиш мўлжалланган майдонда муҳандислик-геологик экспертиза ўтказиш мажбурий бўлиши, сейсмик хавфсизлик талаблари юқори бўлган бино-иншоотлар фақат рейтинг баланд қорхоналар томонидан қурилиши белгиланди.

Давлатимиз раҳбари шаҳарларнинг дренаж тизимида юзага келадиган муаммоларга ҳам тўхталиб, буни ҳал этиш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

— Ипотека — ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий жиҳатдан муҳим масала. Шунинг учун қурилиш ишларини жадаллаштириб, халқимизга уларни сифатли қилиб топшириш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, вазирлар ва ҳокимлар ахборот берди.

ЎЗА

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

ЎЗГАРИШЛАР ФАЛСАФАСИ



Сўзбоши

Ўзгаришлар ҳаётимизнинг ажралмас хусусиятидир. Ўзгаришлар нарса ва ҳодисаларнинг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтишини назарда тутади. Ўзгаришлар барча тизимларда кузатилади. Улар турли омиллар таъсирида юзага келади ва турли

оқибатлар келтириб чиқаради. Гераклитнинг фикрича, барча нарсалар доимий ўзгариш ҳолатида бўлади. Форобийнинг таъбирича, мавжудотнинг даражалари номукамалликдан бошланади ва мукамалликка, такомилга қараб боради. И.Кант ўзгаришлар узлуқсиз табиятга эга эканини қайд этади. Т.Гоббс ўзгаришларни

ҳаракат билан айнан бир нарса, деб билади. Қўришиб турибдики, “Ўзгариш” тушунчаси ривожланиш, тараққиёт, ўсиш, эволюция, трансформация, модификация, юксалиш, такомил каби тушунчалар билан бир қаторда туради.

▶ Давоми 3-бетда

АДАБИЙ ДЎСТЛИК – АБАДИЙ ДЎСТЛИК

УЛУҒ ДАРЁЛАР БИРЛАШГАНДА

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари бош муҳарририга берган интервьюси



Туркий дунё деб атайдиганимиз кутлуғ ҳудуд кўнгиллари бирлаштирган энг муҳим ришта муштарак умумий лисонимиз — туркий тилдир. Орамизда минглаб километрлик масофа борлигига қарамай, қўхна тилимиз ва тамаддунимиз туфайли илдизи туташ мақолларни, маталлар ва ибораларни қўллашимиз, бир-биримизнинг миллий шеър ва ашулаларимизни тинглаб, айни завқни ва туйғуни ҳис қилишимиз туркий оламнинг бутунжаҳон миқёсидаги энг катта бойлигидир. Шундай яқинлик туфайли минглаб қақирим

олисда бўлсак-да, қалбларимиз битта орзу — Туркий тилли халқлар бирлиги йўлида уриб туради. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид билан куни кеча Навоий шаҳрида бўлиб ўтган “Мумтоз шеърят” халқаро фестивали ва ТУРКСОЙ ёзлар бирлигининг I йиғилишида қардошларимиз қалбида кечган ана шу муштарак қувонч ва орзулар тафти ҳақида сўхбатлашдик.

▶ Давоми 6-бетда

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

РЕФЕРЕНДУМДА ОВОЗ БЕРИШ БЮЛЛЕТЕНИ ШАКЛИ ВА ТАВСИФИ ТАСДИҚЛАНДИ

Марказий сайлов комиссиясининг 5 апрель куни бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Республикаси референдумида овоз бериш бюллетенининг шакли ва тавсифи тасдиқланди.

Референдумда овоз бериш бюллетенига “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги қонунга асосан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2023 йил 10 мартдаги ҳамда Олий Мажлис Сенатининг 14 мартдаги қарорларида кўрсатилган масала матни киритилди ва овоз берувчи хоҳиш-иродасининг вариантлари “ха” ёки “йўқ” деб кўрсатилди. Шунингдек, овоз бериш бюллетенида уни тўлдириб тартиби тўғрисида ҳам тушунтириш берилган.

Овоз бериш бюллетенларини қўзи оқизлар тўлдиритиш учун брайль алифбоси асосида трафаретлар тайёрланди.

Бюллетенлар референдум ўтказувчи округ комиссиялари томонидан тақдим этилган маълумотга мувофиқ, референдум округи бўйича овоз берувчилар сонини, шу жумладан, референдум округи ҳудудида истиқомат қилаётган кўпчилик аҳоли сузлашадиган тилларда овоз бериш бюллетенларини тайёрлаш бўйича эҳтиёжни инобатга олган ҳолда чоп этилади.



Марказий сайлов комиссияси қарори билан МДХ Парламентлараро Ассамблеяси, ЕХХТнинг Демократик институтлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Грузия ва Озарбайжон Марказий сайлов комиссиялари ҳамда хоржий мамлакатлардан жами 26 кузатувчи аккредитациядан ўтказилди. Шунингдек, Марказий сайлов комиссиясига келиб тушган мурожаатларга кўра, 14 та миллий оммавий ахборот воситасининг жами 62 вакили аккредитациядан ўтказилди. Эндиликда аккредитациядан ўтказилган оммавий ахборот воситалари вакилларининг умумий сони 346 нафарни ташкил этмоқда.

Мажлис давомида референдум ўтказувчи 6-Наманган, 8-Сирдарё, 12-Хоразм округ комиссиялари раисларининг референдумга тайёргарлик қилиши ва уни юқори савияда ўтказиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусидаги ахборотлари тингланди.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

РАҚАМЛАШТИРИШ

“Yuz” ЛОГИСТИКА
камхарж, сифатли ва экологик тоза маҳсулот

▶ 4-бетга қаранг.

ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

СТРАТЕГИК ҲАМОҲАНГЛИК

Давлат дастури ва Конституциямизнинг янги таҳрири ҳақида

Инсонни улуғламай, ҳуқуқ ва манфаатлари устуворлигини таъминламай, юксак тараққиётга эришиб бўлмайди. Инсон табиат гултожи бўлса, халқ давлатнинг ягона манбаидир.

Улуғбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси Спикери
ўринбосари



Бог яратиш, экин экиб мўл ҳосил олиш, хизмат кўрсатиш, маҳсулот ишлаб чиқариш, илм ўрганиш, юртини ривожлантириш — буларнинг барчаси инсон ақл-тафаккури, иштиёқи билан амалга оширилади. Иштиёқ, интилиш учун, аввало, эътибор лозим бўлади. Эътиборга сазовор инсоннинг қўлидан кўп улуг ишлар келади. Кейинги йилларда мамлакатимизда инсонга эътибор масаласи устувор вазифа, давлат хизматчиларининг бурчи сифатида кўйилган замирида чуқур маъно бор.

Шу ўринда янги таҳрирдаги Конституцияда инсон қадрини энг олий қадрият сифатида белгилаётганини, ижтимоий ҳолати ва мавқеидан қатъи назар, фуқаролар ҳуқуқ ва имкониятлари тенглиги кафолатланаётгани миллий давлатчилигимизни мустаҳкамлашда жуда катта аҳамият касб этади.

Яқинда тасдиқланган Тараққиёт стратегиясини "Инсонга эътибор ва сифатли таълим" йилида амалга оширишга мўлжалланган Давлат дастурида ҳам инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, кадр-қиммати тамойили энг марказда турибди. Одамларнинг оғирини енгил, мушкулни осон қилишни назарда тутган мақсад-режалар бисёр. Шуларнинг айримлари ҳақида фикрлашамиз.

Халқимиз саломатлиги учун

Бетоб одамнинг кўзига дунё тор кўринади, у на ўзи, на юрти учун бирор иш қилиши эмас, фақат тузалишни, соғайиб кетишни истайди. Давлатнинг ўз фуқаролари олдидаги муҳим вазифаларидан бири тиббиёт, яъни соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш, замонага мос технологиялар билан таъминлашдир. Ана шунда аҳоли соғлом бўлиб, юрт ривожига ҳисса қўшади.

Жорий йил учун тасдиқланган давлат дастурида ҳам аҳоли учун кафолатланган ижтимоий ёрдамни таъминлаш, эҳтиёжманд қатламларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш назарда тутилди.

Унга қўра:

- реабилитация марказларида ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация чоралари билан қамраб олиш кўламини 5 баробар ошириш;
- ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказларида ногиронлиги бўлган шахсларни амбулатор шароитда бепул тиббий-ижтимоий реабилитация

қилиш тартиби лойиҳасини ишлаб чиқиш;

— амбулатор шароитда бепул тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш тизимини 2023-2026 йилларда жорий этиш белгиланди.

Мазкур режалар аҳолининг саломатлиги ва хотиржамлигини таъминлаш ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ўзини қулай ҳис этиши учун шароитлар яратишни ўзида ифода этган.

Йилдан-йилга атроф-муҳитда инсон саломатлиги учун зарарли бўлган моддалар ҳажми ортиб бормоқда. Бунга, албатта, автомобиллардан, завод-фабрикалардан чиқаётган зарарли тўтин ва газлар сабаб. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини еттиштириш ҳамда тайёрлашда зарарли кимёвий моддалар ҳаддан ортиқ ишлатилаётгани ҳам одамлар саломатлигида кўпбал муаммолар юзага келишига сабаб бўлмоқда. Бунда инсонлар саломатлигини асраш, уларга бирламчи тиббий-санитария хизматларини кўрсатиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Давлат дастурида бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, соҳага ажратилган маблағни ошириш белгиланди. Унга бинонан, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, касалликларни эрта аниқлаш, касалликлар профилактикаси ва соғлом турмуш тарзини оммалаштириш мақсадида 18-40 ёшли 12,6 миллион аҳолини профилактик кўриқдан, 40 ёш ва ундан катта ёшдаги, сурункали касаллиги бўлмаган 6,3 миллион аҳолини юрак қон-томир касаллиги ва қандли диабет бўйича скрининг текширувлардан, мактабга таълим муассасалари ва ўрта мактабларнинг 9 миллион тарбияланувчиси ва ўқувчисини тиббий кўриқдан, онкологик касалликларни эрта босқичларда аниқлаш мақсадида йилига 3 миллион аҳолини скринингдан ўтказиш кўзда тутилди.

Республика бўйича 6-23 ойлик бўлган жами 1,2 миллион болани микронутриент кукунни, 2-10 ёшдаги жами 6,3 миллион болани гелиминтоз профилактикаси бўйича махсус препаратлар, ҳомиладор ва бола эмизувчи аёллар ҳамда 3-15 ёшдаги 8,5 миллион болани йод препарати, 5,9 миллион 35 ёшгача туғиб ёшидаги аёлни поливитами, темир ва фолий кислотаси препарати билан бепул таъминлаш қайд этилди.

Аҳолининг катта қисми вилоят ва туманлар марказларидан узоқ ҳудудларда истиқомат қилади. Уларнинг ҳам тиббий эҳтиёжларини таъминлаш, доимий тиббий кўриқлардан ўтказиб туриш муҳим вазифа ҳисобланади. Шу боис, давлат дастурида 2023 йилда ҳудудлардаги мавжуд эҳтиёж ва аҳоли тақлифларини инобатга олган ҳолда 30 та оилавий поликлиника, 110 та оилавий илфокорлик пункти ва 520 тагача ихчам маҳалла тиббиёт пунктини

Янги таҳрирдаги Конституцияда ҳар ким уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эгаллиги ҳам кафолатланмоқда. Мазкур аниқ меъёр амалдаги Конституциямизда мавжуд эмас, энди ҳар бир фуқаронинг уйга эга бўлиш ҳуқуқига Конституция даражасига чиқмоқда.

ташқил этиш белгиланди. Бу тиббий манзиллар аҳолининг соғлигини сақлаш, тиббий маданиятини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Уй-жойли бўлиш — саодат

Халқимизда уй-хонадон муҳим қадрият сифатида улуғланади. Ҳали улғаймаган боласига уй қуришни ният қилиб, оталар терак эккан, ё уйи атрофидаги бирор жойни белгилаб, пойдевор ташлаб қўйган. Ватан ичра "кичик ватан"и бўлишни ҳар киши ният қилади. Шу боис, давлат дастурида аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қондириш мақсади ҳам белгилаб олинди. Унга қўра, 2023 йилда "Янги Ўзбекистон" массивлари ва 161 та бошқа массивда, жумладан, хусусий пудрат ташкилотлари томонидан янги уй-жойлар қуришининг йиллик ҳажмини 1,6 баробар ошириб,



Бахт меҳнат билан яратилади

90 мингга етказиш, бунда уй-жой ҳамда ижтимоий ва савдо объектларини лойиҳалаштириш ва қуришда автотранспорт воситалари тураргоҳлари, шу жумладан, кўп қаватли ва ер ости автотураргоҳлар мажбурий равишда барпо этилишини таъминлаш бўйича ҳам вазифалар белгиланди.

Ривожланиш йўлидаги ҳар бир давлат фуқароларининг эркин иш топиши, ишлаши ва фаровон ҳаёт кечириши учун шарт-шароит яратиш бериши зарур. Негаки, инсон ишлаши мумкин, лекин ҳамма ҳам иш ўрни яратолмайди. Қайси давлатда қанча кўп иш ўрни очилса, фаровонлигининг, ислохотлар тўғри йўлдан кетаётгани ва одамларга фойдали бўлаётганининг кафолати шу бўлади. Мамлакатда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва шу орқали 2026 йил якунига қадар камбағалликни камида 2 баробар қисқартиришни ҳал этиш масаласи давлат дастурида ўз ифодасини топган.

Бунда меҳнат бозори инфратузилмаси ва меҳнат органлари фаолиятини рақамлаштириш, туман (шаҳар) бандлик ва тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари фаолиятини ислоҳ қилиш, яъни уларни "хизмат кўрсатишдан" "муаммони ечиш" моделига босқичма-босқич ўтказиш, ногиронлиги бўлган шахсларни касаначилик ва кооперация ташқил этиш орқали ишга қабул қилган тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш, шунингдек, аҳоли камбағаллик ҳолатидан чиқиши учун мотивация бериш, тақдим этиладиган молиявий ва номолиявий ёрдам ҳамда хизматлар натижадорлигини ошириш, томонлар мажбуриятини белгилаш мақсадида "ижтимоий шартнома" механизмни амалиётга жорий этиш кўзда тутилди.

Давлат илҳизларга муносив иш ўрини яратса, одамлар меҳнат қилиб оила боқса, бу давлат ривожланаётган давлат ҳисобланади. Шунда кам таъминланганлар сафи камайиб, давлатнинг улгарга турли нафақалар тўлашига зарурат қолмайди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, давлат дастуридаги эътибор қилишда давлат таъминланганлар сафи камайиб, давлатнинг улгарга турли нафақалар тўлашига зарурат қолмайди.

ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ

Маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси ўз фаолияти билан кундалик ҳаётимизга кириб келганига кўп бўлгани йўқ. Аммо янги тизим халқнинг муаммоларини ўрганиш, ҳал қилиш, қўллаб-қувватлашда ҳар жабҳада қўл келмоқда. Фарғона шаҳридаги "Машғал" маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси Арофат Махсудова билан ва ташкилотчилик қобилияти билан кўннинг оғирини енгил қилмоқда.

Ҳоким ёрдамчиси бу масъулиятни вазифага тайинлангунга қадар "Мададор", "Шодиёна" маҳалла фуқаролар йиғинларида турли вазифаларда самарали фаолият кўрсатиб келгани боис, аҳоли билан тез тил топиши, ўзаро ҳамжиҳат бўлиб ишлай бошлади.

"Машғал" маҳалла фуқаролар йиғини 2559 та хонадонда 7 минг 600 нафардан ортиқ одам яшайди. Худудда 120 кўп қаватли уй, 294 нутурар жой, 2 мактаб, 4 мактабгача таълим ташкилоти жойлашган. Утказилган хатлов жараёнида ишчилар, касб-хунарга ўқиб, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, янги тадбиркорлик субъектлари ташқил этиш истагидасилар алоҳида тоифаланди.



Бундан ташқари, ижтимоий дафтарларга киритилган 110 нафарга яқин фуқаронинг муаммоларини аниқлаш чоралари белгиланди. Амалий ишлар натижасида маҳалла ҳудудда 106 корхона, 45 яқка тартибдаги тадбиркорлик субъекти ташқил этилиб, 500 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Тадбиркор Тоҳиржон Абдусаломов ташаббуси билан кўп қаватли уй ертўласида микроорганик ўсимликлар етиштиришга ихтисослаштирилган кооперация ташқил этилди. Бу ерда

фойдали ва витаминларга бой 30 турдан ортиқ маҳсулот етиштирилмоқда.

— Янги лойиҳани ишга тушириш учун маҳалламиздаги ҳоким ёрдамчиси кўмағида 100 миллион сўм имтиёзли кредит олдиқ, — дейди тадбиркор. — Ҳозир тармоқ фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида 10 та кўп қаватли уй ертўласида органик ўсимлик, қўзиқорин ва гул қўчатлари, картошка, сабзи, пивё, қарам, нухат, помидор, бодринг ва булғор қалампирни етиштириш борасида иш олиб бораёғимиз.

Микроорганик ўсимликлар, асосан, биогумусга экилиб, 6-20 кун оралиғида истеъмолга тайёр бўлади. Бунинг учун махсус микроклим яратилган. Кооперация ташаббуси билан интернет дўкон, parodsemeha.uz сайти ташқил қилинди. Бу нафақат ички, балки ташқи бозорга маҳсулот сотиш, янги турларни етиштириш имкониятини бермоқда.

Ҳоким ёрдамчиси тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, мавжуд имкониятларни кенгайтириш орқали ўзи ва бошқаларни банд қилиш истагида бўлганларни маблағлардан тўғри фойдаланишга ўргатиш ишларини тизимли олиб бормоқда. Шу кунга қадар ишсизлиги сабаб "Аёллар дафтари"га киритилган 6 нафар хотин-қизга субсидия асосида тикув машиналари олиб берилди, 15 нафар "Ишга марҳамат" мономарказида касб-хунарга ўқитилди, 12 нафари доимий ишга жойлаштирилди.

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Муҳими, курак рақамлар эмас, балки ҳоким ёрдамчиси кўмағида янги ишга қўл уриб, тўқин яшаётган, маҳалладошлари мушкулни осон қилаётган кишилар кундан-кунга кўпайиб бормоқда.

— Уй юмушлари, фарзанд тарбиясидан ортиб, бирор жойда ишлашга имкон топа олмаётганда, — дейди Форобий кўчасида яшовчи Ҳақимахон Тўхтабоева. — Маҳалламиздаги ҳоким

ёрдамчиси тикувчилик малакам борлиги, аммо тикув машинаси харид қилишга имкон топа олмаётганини айтдим. Субсидия асосида тикув машинаси беришди. Дастлаб уйда парда тикдим. Йил бошида ишимни янада кенгайтириш учун 33 миллион сўм имтиёзли кредит олишга тавсиянома сўрадим. Мурожаатим ижобий ечим топди. Уйимизга яқин ҳудудда тикувчилик корхонаси ташқил қилиб, 6 нафар хотин-қиз учун иш ўрни яратдим. Энди нафақат ўз оилам, жамиятимиз, қўни-қўшниларим корига яраётганимдан хурсандман.

Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Энг муҳими, аҳоли бандлигини таъминлаш орқали камбағалликдан чиқариш, турмуш тарзини яхшилаш, фаровонлигини оширишга қаратилган ислохотлар маҳалладаги ҳар бир оила ҳаётида буй кўрсатмоқда.

— Аҳоли муаммоларини ўрганиш, амалий ёрдам беришга қаратилган "маҳаллабай", "хонадонбай", "фуқаробай" ишлаш тизими ҳокимиятнинг халқ билан янада яқинлаштириди, — дейди Арофат Махсудова. — Одамлар бизга қаратилган ислохотлар маҳалладаги ҳар бир оила ҳаётида буй кўрсатмоқда.

— Одамлар бизга қаратилган ислохотлар маҳалладаги ҳар бир оила ҳаётида буй кўрсатмоқда. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Энг муҳими, аҳоли бандлигини таъминлаш орқали камбағалликдан чиқариш, турмуш тарзини яхшилаш, фаровонлигини оширишга қаратилган ислохотлар маҳалладаги ҳар бир оила ҳаётида буй кўрсатмоқда.

Маҳалла фуқаролар йиғини учун давлат-хусусий шериклик асосида янги бино қурилди. Мустақиллик ва Алишер Навоий кўчаларига 1,5 километр асфальт ётқизилди, Аҳмад Фарғоний кўчасидаги 9 қаватли уйга лифт ўрнатилди. Маънан эскирган уйлارда яшаб келаётган 23 оилга тадбиркорлар кўмағида янги уйлар топширилди. Туркистон кўчасида 1 километр ичимлик сув тармоғи тортилди, оқова сув қувурлари янгиланди. Форобий кўчасида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш учун қудуқ қазилди, 42 ўринли ер ости автотураргоҳи қурилди, 3 та нодавлат мактабгача таълим муассасаси, 1 та хусусий мактаб, 4 та ўқув маркази очилди. Бу билан бизда ҳамма иш рисоладагидек, демоқчи эсман. Ҳали ечимини кутиб турган кўплаб масалалар бор. Жорий йилда 80 та корхона, 50 та яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектини ташқил қилиш орқали аҳоли бандлигини таъминлашга эътибор қаратяёғимиз.

Аҳоли муаммоларини ўрганиш, маҳаллани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда кўпга қанот бўлаётган ҳоким ёрдамчисининг изланиш ва интилишлари бесамар кетгани йўқ. У "Маҳалла ифтихори" кўкрак нишонини билан тақдирланди.

Расулжон КАМОЛОВ,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

ЖАҲОНГА НАМОЁН ЭТИЛГАН СИЁСИЙ ИРОДА



Нурулла АБДУЛЛАЕВ, Рақамли технологиялар вазири маслаҳатчиси

Тўғри, бундан олдин ҳам, аниқроғи, 1989 йилдан бошлаб 21 октябрни ўзига хос равишда байрам қилиб келганмиз. Аммо 2020 йилдан эътиборан 21 октябрь расман Ўзбек тили байрами кунини эътиборга олиш...

Шу ўринда XX аср ўзбек шеърятининг ўзига хос вакили, миллатпарвар шоир Шавкат Раҳмон шоғирди Раҳмон Кўчқор билан бир суҳбатда айтган гапини келтириб ўтишни жоиз топдим:

— Бир юзу ўттиз йилдан сўнгра кўлаги киритилган мустақилликнинг омонлигини бериб қўймайми, — деди Шавкат ака муштарини тугиб. — Майда-чуйда гапларни бир четга йиғиштириб қўйиш керак. Асосийси — мустақиллик... Уни қўлдан бермайми...

Нима учун гапни мустақилликка олиб келаясиз, дейишга шошилманг. Ахир Ўзбекистон мустақиллиги арафасида ўзбек тили давлат тилига айланмади? Барака топгур, wikipedia маълумотларида ҳам она тилимиз 1989 йил 21 октябрь кунини 178 мамлакатнинг расмий тиллари қаторига қўшилгани қайд этилган. Бугун ана шу саъй-ҳаракатлар

ИШХОНАЛАРДА ДАВЛАТ ТИЛИДА ИШ ЮРИТИШГА ОИД РАСМИЙ КЎРСАТМАЛАР МАВЖУД. Шундай экан, сиз ҳам ҳамкасбларингизни шу кўрсатмаларга амал қилишга унданг, гарчи мулоқотингиз суҳбатдошингиздан келиб чиқиб бошқа тилда бўлса ҳам, ҳеч бўлмаса, ҳужжат юритишни давлат тилида амалга оширинг. Бошқа ташкилотдан инглиз, рус ёки бошқа тилда тақдим қилинган мурожаат хатига сиз давлат тилида жавоб қайтаринг. Бу ҳам сизнинг тилимиз ривожига қўшган ҳиссангиз бўлади.

натijasida дунёда 60 миллионга яқин (баъзи манбаларда 50 миллион) одам ўзбек тилида сўзлашмоқда. Назаримда, 2020 йил 10 апрелни ўзбек тили ривожига, келажакда ҳамда янада такомиллаштириш учун 1989 йил 21 октябрга тенглаштириш мумкиндек. Чунки ушбу икки сана ўзбек тили "ҳаёти"да алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳар баҳорда шу бўлар такрор деганларидек, байрам арафасида ва байрам кунлари тилимизга оид шiorларни, унинг улуглиги, аҳамияти, муҳимлигини кенг жамоатчиликка кўрсатиш, тўғривоғи, рўқча қилиш учун турли далил ва рақамларни қидирамиз. Ўзбек тилининг келиб чиқиши бир неча минг йиллик тарихга бориб тақалиши, шу кунларда ушбу тилга эътибор ҳар қачонгидан ҳам кучлироқ экани, унинг давлат тили сифатида фойдаланилиши қамрови янада кенгайиб бораётгани, сўзлашувчилар сони йилдан-йилга ортаётгани, дунёнинг кўплаб мамлакатларида ўзбек тилини ўрганишга бўлган қизиқиш тобора юксалаётгани ҳақида бонг урамиз. Ана шу санада ўзбек адабий тилининг асосисини сифатида

2020 йил 10 апрель. Худди шу кунини ўзининг сиёсий иродасини жаҳонга намоён этиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг нуфузли минбарига тарихда илк бор ўз она тилида нутқ сўзлаган ҳамда бу орқали бутун дунё аҳлини хайратга сола олган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида"ги қонунни имзолади.

Алишер Навоийни, шу тилда ижод қилган Бобурни, ўз даврида йўқолишга оид тугган тилни асраб қолиш учун ҳаракат қилган бошқа аждодларимизни ёдга олиш, маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, мушоираю адабий кечалар ташкил қиламиз, қўлимиздан келганча қуйиниб ёки ўзимиз мулоқотда бошқа тилдан фойдалансак ҳам, шу мавзуга оид баландпарвоз фикрларга тўла мақолалар эълон қиламиз (мен тайёрлаган мақола ҳам шулардан бирига ўхшаб кетди-ёв). Ундан кўра амалий ишга қўл урайлик, оиламизда, дўстлар даврасида, ишхонада, жамоат ичиди ўрнат қўлайлик. Қандай қилиб дейсизми?

Агар оилада ота ёки она ўзбек тилида мулоқот қилса, фарзандлар ҳам уларга тақлид қилади. Бу билан ҳеч ким сизнинг хорижий тилларни ўрганишга бўлган ҳуқуқингизни пойма қилиш ниятида эмас. Масалан, менинг оиламда доим ўзбек тилида сўзлашилди. Углим яқинда инглиз тилини билиш бўйича махсус сертификатни қўлга киритди. Лекин бу билан у ўз она тилини унутгани йўқ, унинг қонун-қондаларини янада яхшироқ ўрганишга ҳаракат қилмоқда. Ҳа, яна бир гап. Энди у яна бир хорижий тилни ўрганишга киришмоқчи. Мен эса уни қўллаб-қувватлаш ниятидаман...

Ишхоналарда давлат тилида иш юритишга оид расмий кўрсатмалар



Яқин ўтмишда қўл идораларда рус тилини билмаслик ишингиз битишга ҳалақат қилган ёки чет тилини билишни ўзига оёр деб биладиган баъзилар ўзбек тилида иш юритадиган ходимларнинг савияси паст, деб ҳисоблаб келган.

Шу ўринда яна бир масала. Бугун замон ривожланмоқда. Ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасига янгидан-янги технологиялар ва улар орқали янги атамалар кириб келмоқда. Биз осона тилига ўрганиб қолдик. Жон койитишни истамаймиз. Бу атома хорижда ёки биринчи марта қўлланилган мамлакатда қандай қўлланилса, шундайлигича қабул қилиб қўя қоламиз. Баҳона: "агар биз бу атамани ўзбекчалаштирсак, хорижлик ҳамкорларимиз тушуноммайди", эмиш. Бекор гап. Эй инсон, сен бу атамани ўзбек тилидагисини бир марта ўша ҳамкорнингга тушунтир ва кейин бемалол фойдаланавер. Менимча, у бунга сираям қаршилиқ қилмас керак. Яна бир баҳона тайёр. Ўзбек тилида унинг муқобили йўқ. Бўлмаган гап. Ўзбек тили сизу биз ўйлаганчалик "камбағал" эмас. Биз билмаймиз холос. Китоб жавонида туриб, чанг боитиб ётган лугатларни титишни, ҳеч бўлмаганда деярли ҳамма саволга жавоб топиш мумкин бўлган интернетни қовлаштиришни хохламаймиз.

Кези келганда, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат яъни қонунчиликка мувофиқ қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий меъёриларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжатларни ишлаб чикувчи-

ларга икки оғиз сўз. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш жараёнида у қайси йўналишда бўлса, нота ниш атамаларга дуч келинганида, ана шу соҳа мутахассислари, айниқса, малакали тилшунослар билан маслаҳатлашиш, тилимизга кириб келиши қўтилаётган янги атаманинг ўзбекча муқобилидан фойдаланиш мумкин-ку! Баъзан бир хорижий сўзнинг бип-биноидек ўзбекчасини ишлатишни тақлиф қилсангиз, ана шундай ҳужжатларни рўқча қиладиганлар топилади. "Мана қонун ҳужжатида шундай қўлланилган" деб кўрсатилади. Бу билан ҳеч кимнинг билимига шубҳа билдирмоқчи эмасмиз, аммо ҳар не бўлганда ҳам соҳа билимдонларига мурожаат қилган маъқулроқ.

Менимча, барча вазирлигу идора, корхона ташкилотларда давлат тилида, хусусан, лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосида иш юритишни, ҳар бир раҳбар, энг аввало, ўзидан бошлаши керак. Чунки сиз ҳар қанча қўл остингиздаги ходимга худди шу йўналишда топшириқ берманг, агар ўзингиз бу ишни қилмас экансиз, ундан буни кутманг. Зеро, халқимиз бекорга "қуш уясиди қўрганини қилади" деган нақлни ишлатмайди.

Германия, Туркия, Грузия, Озарбайжон каби давлатларда аҳолининг ўз она тилидан фойдаланишни кўриб ҳавас қилсангиз. Яқинда Россия Ички ишлар вазирлиги муҳожирларнинг рус тилини билиш даражасига қараб жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғи тўловини қамайтириш ва шу орқали уларни ўқийшга рағбатлантиришни тақлиф қилди. Буеун кўпроқ даромад топиш шилжинида

ЮКСАЛИШ ПАЛЛАСИ

Сўнгги йилларда инсон капиталига сармоа киритиш, таълимни ислох қилиш асосий вазифалардан бирига айланди. Жорий йилнинг "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили", деб аталиши замирида ҳам айна шу эзгу гоа — таълим соҳасида бошланган ислохотларни давом эттириш, мактаб инфратузилмасини такомиллаштириш, ўқитувчилар касбининг маъвк ва таълим сифатини оширишдек эзгу мақсад мужассам.

ТАЪЛИМДАГИ ЭВРИЛИШ

"Йул харитаси" да акс этипти

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида "Ижтимоий давлат бу, энг аввало, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар, одамлар муносиб ҳаёт кечиртишга зарур шароитлар яратиш, камбағалликни қисқартириш, демакдир. Шу боис, биринчи навбатда, эътиборни Янги Ўзбекистон учун энг катта инвестиция бўлган таълимни қўллаб-қувватлашга қаратамиз", деган эди.

Шу маънода, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Таълим бўйича глобал ҳамкорлик фонди (GPE), ЮНИСЕФ ҳамда миллий ва халқаро ҳамкорлар билан биргалликда 2023-2026 йилларда таълим соҳасини ислох қилиш бўйича "Йул харитаси" имзолангани катта воқеа бўлди.

Сифатли таълимдан адолатли фойдаланишни таъминлашга қаратилган "Йул харитаси" мамлакатимизда таълим тизимини ислох қилиш жараёнини жадаллаштириш учун жуда муҳим воситадир. Ҳужжат 2026 йилгача мактабгача ва мактаб таълимини ислох қилишдаги устувор йўналишлар, аниқ ва катта мақсадларни ўз ичига олган.

"Йул харитаси"ни ишлаб чиққанмиз ҳамкорларимиз билан биргалликда ислохот дастурини амалга ошириш учун мантйик ва муҳим қадам бўлди. Таълим сектори учун ишлаб чиқилган бу харита нафақат ўқитиш соҳасида иштирок этувчи турли манфаъаддор томонлар ўртасидаги мувофиқлаштиришни қучайтириш, балки энг самарали ечимларни кенгайтириш имконини бериши қўтилоқда, — дейди мактабгача ва мактаб таълими вазири Хилола Умарова.

Айни пайтда 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар қамровини 80 фоизга етказиш учун мактабгача таълим тизимида қўшимча 620 минг ўрин ҳамда 2026 йилгача халқ таълими тизимидаги мактабларда 1,2 миллионга яқин ўрин очилиши керак. Таълим соҳасида фаолият кўрсатаётган ташкилотлар ўртасида саъй-ҳаракатлар мувофиқлаштирилгани "Йул харитаси"ни ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатди. Энди мазкур "Йул харитаси" 54 ҳамкор ташкилотни бирлаштириб, таълим секторидидаги ислохотларни амалга ошириш учун аниқ дастур ижросини таъминлайди. Мазкур ҳужжат этика, виждонли бўлиш, коррупцияга қарши кураш, адолат ва инсон ҳуқуқларини амалга ошириш тамойилларига асосланади.

— Инсон капитали давлатни тараққий эттиришининг муҳим омилдир. Ўзбекистондаги демографик имкониятларни дивидендга айлантириш учун ҳамкорлар билан биргалликда таълимга сармоа киритиш устувор йўналишга айлантиришда давом этиш керак. "Йул харитаси"ни ишлаб чиқиш жараёнида бу йўналишдаги муҳим вазифалар белгилаб олинди, — дейди ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Мунир Мамедзаде. — Бунга эришиш учун мактаб ва мактабгача таълим инфратузилмасини кенгайтириш ва модернизация қилишга салмоқли сармоа киритиш билан бирга сифатли инклюзив таълимдан фойдаланиш имкониятларини яхшилаш зарур.

"Йул харитаси" тақдими таълим соҳасида янада юқори натижаларга эришиш учун йўлнинг бошланғичидир. Бу борадаги самарали ҳамкорлик адолатли таълим тизимини такомиллаштиришга ҳисса қўшади.

— "Йул харитаси"да таълим соҳасидаги ўзига хос муаммолардан келиб чиқиб вазифалар белгиланган. Мактабгача ва мактаб таълимида шу пайтгача

тўпланган масалаларни ҳал қилиш иккала тизимда ҳам сифатли таъминлашга бевосита алоқадор бўлган, уни амалга оширувчи педагог кадрларнинг малакаси, дарс бериш жараёнини яхшилаш, у билан боғлиқ бўлган ўқув дастурини такомиллаштириш, мактабларда ўқувчи ўрнини қўпайтиришни назарда тутгани, — дейди Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг бошқарма бошлиғи ўринбосари Абдурахим Носиров. — Кенг қамровли йўналишларни қамраб олган "Йул харитаси" устида уч-тўрт ой мобайнида 54 та ҳамкор халқаро ташкилот вакиллари билан бирга ишланди. Дастлаб опти, кейин уларни мақбуллаштирган ҳолда тўртта йўналишдаги вазифалар ишлаб чиқилди. "Йул харитаси" бир неча бор муҳокамалардан ўтказилди. Халқаро экспертларнинг фикр-мулоҳазалари олинди.

Ўқитиш сифатини таъминлаш жуда қўл жиҳатдан ўқитувчининг салоҳиятига, дарс бериш маҳоратига боғлиқ. Шу боис, бугун таълим тизимида педагог ва раҳбар кадрларнинг фаолият юротаётган таркибини сифат жиҳатидан яхшилаш, ўқитиш маҳоратини халқаро тажрибалар асосида такомиллаштириш, янги методикаларга ўргатиш, фойдаланилаётган дарсликлар, методикаларни янгилаш, такомиллаштириш каби вазифалар ечими қўтиляпти.

"Йул харитаси"да педагог кадрлар малакасига катта эътибор қаратилган. Маълумки, ўқитувчиларнинг сифат таркиби доим ҳам бир хил бўлмайди. Олий таълимни энди битириб, соҳага кириб келган ўқитувчи билан тажрибали педагогларнинг билим беришида тафовут бор. Янгидан иш бошлаётганларга устозларни бириктириб қўйиш, янги методикаларни ўргатиш бориш орқали сифат, албатта, яхшиланади.

— Бу Марказий Осиёда нуфузли халқаро ташкилотлар билан ишлаб чиқилган биринчи "Йул харитаси"дир, — дейди Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг бошқарма бошлиғи Лазиз Хўжаев. — Ҳужжатни тайёрлаш жараёнида ҳаммамнинг фикри эътибор олинди. Ўқувчилар ва ўқитувчилар, вазирлик ва идоралар, халқаро ҳамкорларнинг маслаҳат ва келишуви асосида, "Йул харитаси" тузилди. Унда белгиланган мақсадларга биргалликда эришишни кўзда тутувчи ҳужжатга қўл қўйилди. Бу, албатта, барчамиз учун катта ютуқ.

Энди халқаро ташкилотлар томонидан таълимга берилаётган молиявий қўмак, грант ва инвестициялар айнан ушбу харитада белгиланган мақсадларга йўналтирилади. Мазкур харита билан 2026 йилга қадар қайси йўналиш бўйича қанча маблағ сарфланиши, натижаси қандай бўлишини кўрсата оладиган тизим яратилди.

"Йул харитаси"да мактабларни қуриш ва реконструкция қилиш, дарсликлар ишлаб чиқиш ва ўқитувчилар малакасини ошириш, ўқувчилар билимини баҳолашнинг адолатли ва шаффоф тизимини ишлаб чиқиш каби йўналишларга алоҳида эътибор қаратилган.

Бир сўз билан айтганда, "Йул харитаси" умуммиллий таълим-тарбия тизимини тубдан ислох қилиш орқали фарзандларимизни ҳар жиҳатдан етуқ, интеллектуал салоҳиятли, эртанги кунимиз суянчи ва таянчи бўла оладиган инсонлар сифатида қамол топтиришга ҳизмат қилади.

Рисолат МАДИЕВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

